



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 13» sentabr № 467

Toshkent sh.

“Сейсмик хавфсизлик соҳаси аълочиси” кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 30 майдаги ПФ–144-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. “Сейсмик хавфсизлик соҳаси аълочиси” кўкрак нишони таъсис этилсин.

2. Қуйидагилар:

“Сейсмик хавфсизлик соҳаси аълочиси” кўкрак нишони тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

“Сейсмик хавфсизлик соҳаси аълочиси” кўкрак нишони ва унинг гувоҳномаси тавсифлари 2 ва 3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Давлат белгиси” давлат унитар корхонаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг буюртмасига мувофиқ “Сейсмик хавфсизлик соҳаси аълочиси” кўкрак нишони ва унинг гувоҳномаси тайёрланишини белгиланган тартибда таъминласин.

4. “Сейсмик хавфсизлик соҳаси аълочиси” кўкрак нишони ва унинг гувоҳномасини тайёрлаш ҳамда мукофотланганларни тақдирлаш билан боғлиқ харажатлар Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланиши инобатга олинсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Б.С. Юлдашев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “13” сентябрдаги 467 - сон қарорига
1-илова

“Сейсмик хавфсизлик соҳаси аълочиси” кўкрак нишони тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Сейсмик хавфсизлик соҳаси аълочиси” кўкрак нишони (кейинги ўринларда – кўкрак нишони) билан тақдирлаш тартибини белгилайди.

2. Кўкрак нишони билан сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги, аҳоли ва ҳудудларнинг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш соҳасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган фуқаролар тақдирланади.

Кўкрак нишони билан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам мазкур Низом талаблари асосида тақдирланиши мумкин.

2-боб. Кўкрак нишони билан тақдирлаш учун ҳужжатларни тақдим этиш ва кўриб чиқиш тартиби

3. Кўкрак нишони билан тақдирлаш тартиби ушбу Низомга 1-иловада кўрсатилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

4. Сейсмик хавфсизлик соҳасида фаолият юритаётган ёки тизимида ушбу фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича таклифларни ҳар йили 15 сентябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига (кейинги ўринларда – Фанлар академияси) тақдим этади.

Фанлар академиясининг ходимларини тақдирлаш бўйича таклифлар тегишли таркибий бўлинмалари томонидан Фанлар академиясининг физика-математика ва техника фанлари бўйича вице-президенти билан келишилган ҳолда Комиссияга киритилади.

Номзодлар бўйича тақдим этилган таклифларга илова сифатида номзод ҳақида маълумотнома, унинг сўнгги уч йил давомида сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ва сейсмик хавфсизлик соҳасида амалга оширган ишлари акс эттирилган тавсифнома ҳамда номзоднинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилади.

5. Фанлар академияси президенти томонидан кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифларни кўриб чиқиш бўйича комиссия (кейинги ўринларда – Комиссия) таркиби тасдиқланади.

Комиссия Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг сейсмик хавфсизлик соҳасида фаолият юритувчи вакилларида 11 кишилик таркибда ташкил этилади.

6. Комиссия томонидан номзодларни кўкрак нишони билан тақдирлашда қуйидагилар инобатга олинади:

сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ва давлат дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этганлиги;

сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги, аҳоли ва ҳудудларнинг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш соҳасини ривожлантиришга ҳисса қўшганлиги ҳамда мазкур соҳа бўйича чет элда тан олинган илмий-амалий натижаларга эришганлиги;

сейсмик хавфсизлик соҳасида замонавий ахборот технологиялари ва инновацион технологияларни кенг жорий этишда иштирок этганлиги;

кучли zilzilalar юз бериши хавфи пайдо бўлганда уларнинг оқибатларини бартараф этишга доир зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқишда иштирок этганлиги;

бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини тадқиқ қилиш, уларнинг сейсмик заифлигини баҳолаш ҳамда тегишли хулосалар беришда иштирок этганлиги;

сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасида монография, дарслик ва ўқув қўлланмалар чоп этганлиги;

сув омборлари тўғонлари, эксплуатация қилинаётган нефть ва газ конлари ҳудудларида сейсмикликнинг намоён бўлишини мунтазам баҳолаб бориш ва уларнинг сейсмиклиги бўйича илмий асосланган хулосаларни беришда иштирок этганлиги;

республика ҳудудидаги сейсмологик станцияларда сейсмик ҳолатни мониторинг қилишда фаоллик кўрсатганлиги;

сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасида ёш мутахассис кадрларни тайёрлаш борасида самарали меҳнат қилганлиги;

сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги, аҳоли ва ҳудудларнинг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш бўйича замонавий ва илмий жиҳатдан асосланган илғор тажрибаларни ўрганиб, амалиётга татбиқ этганлиги.

Кўкрак нишони билан тақдирлаш учун тақдим этилган номзодларни баҳолаш ушбу Низомга 2-иловада кўрсатилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

7. Комиссия йиғилишида номзодларнинг тегишли хужжатлари ўрганилиб, ушбу Низомга 2-иловада кўрсатилган мезонларга мувофиқ баҳоланади ва ҳар йили 1 октябрга қадар энг муносиб номзодлар бўйича якуний хулоса қабул қилинади.

8. Комиссия хулосаси асосида ҳар йили 5 октябрга қадар Фанлар академияси президентининг кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги буйруғи қабул қилинади.

3-боб. Кўкрак нишони билан тақдирлаш тартиби

9. Кўкрак нишони ва унинг гувоҳномаси ҳар йили 13 октябрь – Табиий офатлар хатарини камайтириш халқаро куни арафасида Фанлар академияси президенти (ёки унинг топшириғига мувофиқ бошқа масъул шахслар) томонидан тантанали тарзда топширилади.

10. Кўкрак нишони билан тақдирланганлар рўйхати Фанлар академиясининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтида, ижтимоий тармоқлардаги расмий каналларида ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

11. Кўкрак нишони билан тақдирланганларга базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт баравари миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти берилади.

12. Бир шахс кўкрак нишони билан бир марта мукофотланади.

13. Кўкрак нишони давлат мукофотларидан кейин кўкракнинг чап томонига тақилади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

14. Фанлар академияси ушбу Низомга мувофиқ кўкрак нишонига тавсия этилган номзодлар хужжатларининг ҳолисона кўриб чиқилиши учун бевосита масъулдир.

15. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

“Сейсмик хавфсизлик соҳаси аълочиси”
кўкрак нишони тўғрисидаги низомга
1-илова

“Сейсмик хавфсизлик соҳаси аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирлаш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Сейсмик хавфсизлик соҳасида фаолият юритаётган ёки тизимида ушбу фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органлари	Кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига тақдим этади.	Ҳар йили 15 сентябрга қадар
2-босқич	Кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифларни кўриб чиқиш бўйича комиссия	Кўкрак нишони билан тақдирлаш бўйича номзодлар ҳақидаги тегишли ҳужжатларни ўрганиб чиқади ва якуний хулосани қабул қилади.	Ҳар йили 1 октябрга қадар
3-босқич	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти	Кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисида буйруқ қабул қилади.	Ҳар йили 5 октябрга қадар
4-босқич	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти (ёки унинг топшириғига мувофиқ бошқа масъул шахслар)	“Сейсмик хавфсизлик соҳаси аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирлайди.	Ҳар йили 13 октябрь – Табиий офатлар хатарини камайтириш халқаро куни арафасида

“Сейсмик хавфсизлик соҳаси аълочиси”
кўкрак нишони тўғрисидаги низомга
2-илова

“Сейсмик хавфсизлик соҳаси аълочиси” кўкрак нишонига
номзодларни баҳолаш мезонлари
СХЕМАСИ

Т/р	Кўрсаткичларнинг номланиши	Балл тизими
1.	Сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ва давлат дастурларини ишлаб чиқишда иштирок этганлиги	1 баллдан 10 баллгача
2.	Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги, аҳоли ва ҳудудларнинг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш соҳасини ривожлантиришга ҳисса қўшганлиги ҳамда мазкур соҳа бўйича чет элда тан олинган илмий-амалий натижаларга эришганлиги	1 баллдан 10 баллгача
3.	Сейсмик хавфсизлик соҳасида замонавий ахборот технологиялари ва инновацион технологияларни кенг жорий этишда иштирок этганлиги	1 баллдан 10 баллгача
4.	Кучли zilzilalar юз бериши хавфи пайдо бўлганда уларнинг оқибатларини бартараф этишга доир зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқишда иштирок этганлиги	1 баллдан 10 баллгача
5.	Бино ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини тадқиқ қилиш, уларнинг сейсмик заифлигини баҳолаш ҳамда тегишли хулосалар беришда иштирок этганлиги	1 баллдан 10 баллгача
6.	Сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасида монография, дарслик ва ўқув қўлланмалар чоп этганлиги	1 баллдан 10 баллгача
7.	Сув омборлари тўғонлари, эксплуатация қилинаётган нефть ва газ конлари ҳудудларида сейсмикликнинг намоён бўлишини мунтазам баҳолаб бориш ва уларнинг сейсмиклиги бўйича илмий асосланган хулосаларни беришда иштирок этганлиги	1 баллдан 10 баллгача
8.	Республика ҳудудидаги сейсмологик станцияларда сейсмик ҳолатни мониторинг қилишда фаоллик кўрсатганлиги	1 баллдан 10 баллгача
9.	Сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасида ёш мутахассис кадрларни тайёрлаш борасида самарали меҳнат қилганлиги	1 баллдан 10 баллгача
10.	Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги, аҳоли ва ҳудудларнинг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш бўйича соҳага замонавий ва илмий жиҳатдан асосланган илғор тажрибаларни ўрганиб, амалиётга татбиқ этганлиги	1 баллдан 10 баллгача

Изоҳ: Номзодларнинг эришган натижалари бўйича қўйилган баллари жамланиб, энг юқори кўрсаткични қайд этганлар кўкрак нишонига номзод сифатида тавсия этилади.

Мазкур баҳолаш мезонларининг кўрсаткичлари давр талабидан келиб чиққан ҳолда Фанлар академияси президенти томонидан кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифларни кўриб чиқиш бўйича комиссия тавсиялари асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўзгартирилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “13” сентябрдаги 467 - сон қарорига
2-илова

**“Сейсмик хавфсизлик соҳаси аълочиси” кўкрак нишонининг
ТАВСИФИ**

“Сейсмик хавфсизлик соҳаси аълочиси” кўкрак нишони диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлиб, мис қотишмасидан тайёрланади.

Кўкрак нишонининг қалинлиги 2,5 миллиметр.

Кўкрак нишонининг олд томони марказий қисмида Ер шари, унинг меридианлари ва параллеллари фонида Ўзбекистон Республикасининг харитаси ҳамда унинг пастида ер қимирлашини автоматик равишда ёзиб оладиган асбоб – сейсмограф акс эттирилган.

Кўкрак нишонининг айланаси бўйлаб тўқ қизил эмаль фонида “SEYSMIK XAVFSIZLIK SOHASI A’LOCHISI” ёзуви, қуйи қисмида эса бир-бирига туташган иккита дафна новдаси жойлашган. Ҳарфлар баландлиги 2 миллиметр.

Кўкрак нишонининг орқа томонида қавариқ айлана марказида тўрт қаторда ҳарфларнинг баландлиги 2 миллиметр бўлган “SEYSMIK XAVFSIZLIK”, “SOHASI RIVOJIGA”, “QO‘SHGAN HISSASI”, “UCHUN” сўзлари ёзилган.

Барча ёзувлар ва тасвирлар зарҳал рангда бўлиб, қавариқдир.

Кўкрак нишони илгакчалар ва ҳалқача ёрдамида тўртбурчак шаклидаги қадағичга уланган.

Қадағичнинг эни – 26 миллиметр, бўйи – 17 миллиметр. Қадағич эни 22 миллиметрли тўқ қизил рангдаги шойи лента билан қопланган. Лентанинг ўртасидан эни 0,3 миллиметрли иккита оқ рангли йўл вертикал ҳолатда ўтган.

Қадағичнинг орқа томонига кўкрак нишонини кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрнатилган.

“Сейсмик хавфсизлик соҳаси аълочиси” кўкрак нишони

Олд томони



Орқа томони



**“Сейсмик хавфсизлик соҳаси аълочиси”
кўкрак нишони гувоҳномасининг
ТАВСИФИ**

“Сейсмик хавфсизлик соҳаси аълочиси” кўкрак нишони гувоҳномаси (кейинги ўринларда – гувоҳнома) 160x110 миллиметр ўлчамдаги китобча шаклида бўлиб, 240 г/кв.м. қалинликдаги офсет қоғоздан тайёрланади.

Гувоҳноманинг ташқи томони (биринчи ва тўртинчи бетлари) оч сариқ рангда бўлиб, плёнка билан қопланган.

Гувоҳноманинг биринчи бети эни 7,5 миллиметрли, ички бурчаклари айлана шаклида бўлган тўқ қизил рангли ҳошия билан ўралган.

Гувоҳноманинг юқори чеккасидан (биринчи бети) 35 миллиметр пастда, марказда, оралиғи 3,5 миллиметрли уч сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “SEYSMIK XAVFSIZLIK”, иккинчи сатрда “SOHASI A’LOCHISI” (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bolt” шрифти, 14 кегль), учинчи сатрда “ko‘krak nishoni” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 14 кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 6 миллиметр пастда “GUVOHNOMASI” (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bolt” шрифти, 17 кегль) сўзи ёзилган.

Гувоҳноманинг ички томони (иккинчи ва учинчи бетлари) “Тангир” тасвири туширилган оч сариқ рангда бўлиб, офсет усулида чоп этилган.

Ички томонининг чап қисмида (иккинчи бети), марказда кўкрак нишонининг аслига тенг ўлчамдаги рангли тасвири акс этирилган.

Гувоҳноманинг ички ўнг томони (учинчи бети) юқори чеккасидан 8 миллиметр пастда, марказда “GUVOHNOMA” (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) сўзи ҳамда гувоҳноманинг тартиб рақами учун “№” белгиси ва 17 миллиметрли чизик жойлашган.

Ундан 10 миллиметр пастда мукофотланган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини қайд этиш учун оралиғи 8 миллиметрли учта чизик тортилган.


Пастки чизикдан 6 миллиметр қуйида, марказда, оралиғи 2 миллиметрли икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “O‘zbekiston Respublikasi”, иккинчи сатрда “Fanlar akademiyasi” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 5 миллиметр пастда оралиғи 4 миллиметр бўлган икки сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “20__ у. “__” _____dagi”, иккинчи сатрда “__-sonli buyrug‘iga asosan” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.

Ундан 5 миллиметр пастда, марказда, оралиғи 5 миллиметрли уч сатрдан иборат матн жойлашган. Биринчи сатрда “SEYSMIK XAVFSIZLIK”, иккинчи сатрда “SOHASI A’LOCHISI” (катта ҳарфларда, “Times new Roman Bolt” шрифти, 12 кегль), учинчи сатрда “ko‘krak nishoni bilan taqdirlandi” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) сўзлари ёзилган.

Сўнгги сўзлардан 9 миллиметр пастда, чап томонда “O‘zR FA prezidenti” (“Times new Roman Bolt” шрифти, 10 кегль) сўзи ёзилган.

**“Сейсмик хавфсизлик соҳаси аълочиси” кўкрак нишони
ГУВОҲНОМАСИ**



GUVOHNOMA № _____

_____ (familiyasi)

_____ (ismi)

_____ (otasining ismi)

**O'zbekiston Respublikasi
Fanlar akademiyasi**

20__ y. “__” _____ dagi

_____ -sonli buyrug'iga asosan

**“SEYSMIK XAVFSIZLIK
SOHASI A'LOCHISI”**

ko'krak nishoni bilan taqdirlandi

O'zR FA prezidenti

